

“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ

2026 йил 28 январь

№ 01/2026

Тошкент шаҳри

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 28 январь 2026 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди:

М.Норгитов – “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 29 декабрдаги 354-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан М.Норгитов – умумий йиғилиш раиси, А.Эргашев ва А.Насирдинов умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ҳамда Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

“O‘zagrolizing” АЖ (келгусида – Жамият) жойлаштирилган акцияларининг умумий сони **401 108 086** донани ташкил этади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг умумий сони **401 088 086** донани ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. “O‘zagrolizing” АЖнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

5. “O‘zagrolizing” АЖнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган барқарор корпоратив ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси М.Норгитов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 29 декабрдаги 354-сонли қарорига асосан Санок

комиссияси 3 кишидан, яъни Мирсаидова Манзура Муроджон қизи, Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда очик овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур Санок комиссияси раиси этиб М.Мирсаидова сайланганлиги тўғрисидаги 2026 йил 28 январдаги 1-сонли баённома умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Санок комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 397 598 327 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 2 та акциядор ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (401 088 086 дона) нинг 99,13 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Санок комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисида 2026 йил 28 январдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очик деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси М.Норгитов, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

3. “O‘zagrolizing” АЖнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Жамиятнинг ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи О.Нишонов ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига рақамлаштиришни кенг жорий этиш ҳисобига бошқарув штат бирликлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-178-сон Фармонида мувофиқ, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишида, шунингдек, давлат корхоналари бошқарув органларида камида

бир нафардан раҳбар ўринбосари лавозимларини қисқартириш, шунингдек, бошқарув ходимлари сонини 10 фоиз миқдорида мақбуллаштириш белгилангани ва ушбу масала юзасидан давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 7 ноябрдаги 01/09-2-17/944-сонли кўрсатма хати билан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни сўраган бўлиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказишни ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг 37,62 фоиз улушга ва 150 892 213 дона акцияларга эгалик қиладиган акциядори сифатида бундай талабни билдиришга ҳақли ҳисобланади.

Кун тартибидаги масала жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатига киритилгани таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчиларига жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси лойиҳаси тақдим қилинди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили А.Эргашев сўз олиб куйидагиларни билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон Фармонининг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари–вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда лавозимларни жорий этишга оид ягона талаблар”га мувофиқ белгиланган ходимлар штат бирликлари сони 7 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда бошқарма, штат бирликлари сони 20 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда департамент ташкил этилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 июлдаги 465-сон қарори билан тасдиқланган “Меҳнат нормаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тартиби тўғрисида”ги намунавий низомга асосан айрим ёрдамчи ходимлар тоифасига мансуб касб ва лавозимлар учун ходимлар сонининг намунавий нормалари ҳамда бошқарув ходимларига нисбатан ёрдамчи ходимлар сонининг мутаносиблигини ҳисоблаш меъёрлари белгиланган.

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқишда бошқарув ходимлари, техник ходимлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ёрдамчи ходимлар сонини белгилашда юқоридаги талаблар асосида қайта кўриб чиқишни таклиф этди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Жамият ички аудит хизмати раҳбари Ш.Умаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 109-моддасида акциядорлик жамиятлари фаолияти ҳар йили ташқи аудитор томонидан текширилиши,

жамиятнинг 2025 йил учун ташқи аудитор ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш ваколати мазкур қонуннинг 59-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу муносабат билан ижро органи Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларига асосан махсус ахборот портали <https://etender.uzex.uz> сайтига танлов эълон қилиниб, дастурий таъминот ёрдамида электрон тартибда ғолиб аниқланган.

Махсус ахборот портали <https://etender.uzex.uz> нинг танлов ўтказилган баёнига мувофиқ, “HLB TASHKENT” МЧЖ 599,0 млн. сўм (ҚҚСсиз) хизмат нархи билан ғолиб деб топилган, “GRANT THORNTON” МЧЖ захирадаги ғолиб деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “HLB TASHKENT” МЧЖни 599,0 млн. сўм (ҚҚСсиз) хизмат нархи билан ғолиб деб топиш, “GRANT THORNTON” МЧЖни захирадаги ғолиб деб эътироф этиш таклиф этилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

5. “O‘zagrolizing” АЈнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган барқарор корпоратив ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

Жамиятнинг Молиявий хатарларни таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Б.Ғаниев ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралдаги ПҚ-78-сонли қарорига кўра, Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб қилинган кредит линияси ҳисобидан “O‘zagrolizing” АЈга биринчи босқичда –30 млн. долл., иккинчи босқичда – 2024 йилнинг 1 июлига қадар белгиланган тартибда Жаҳон банки билан келишилган ҳолда 26 млн. долл. ажратилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 2024 йил 27 декабрда Лизинг субсидиар қарз битими имзоланган.

Лизинг субсидиар қарз битимига қўшимча келишувлар тузилиб унга кўра, 2025 йилнинг 31 декабрга қадар “O‘zagrolizing” АЈнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган барқарор корпоратив ривожланиш стратегиясини жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига асосан “...жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга

ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган.

Йиғилиш иштирокчиларига “O‘zagrolizing” АЖнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган барқарор корпоратив ривожланиш стратегияси лойиҳаси тақдим қилинди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

Умумий йиғилиш раиси М.Норгитов умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Санок комиссиясига топширишни ва натижаларини сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Санок комиссияси раиси М.Мирсаидова умумий йиғилишга қўйидагиларни эълон қилди:

Санок комиссиясининг 2026 йил 28 январдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 2 дона бюллетен тарқатилди ва 2 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қўйидагича овоз олинди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 397 598 327 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 397 598 327 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. “O‘zagrolizing” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – йўқ, қаршилар – 397 598 327 дона акциялар (100%), бетарафлар – йўқ.

4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятининг якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 246 706 114 дона акциялар (62%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – 150 892 213 дона акциялар (38%).

5. “O‘zagrolizing” АЖнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган барқарор корпоратив ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 397 598 327 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ,

бетарафлар – йўқ.

Санок комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Санок комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Санок комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Мирсаидова Манзура Муроджон қизи, Қурбонбоев Дилшод Мақсудбекович ҳамда Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичдан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. “O‘zagrolizing” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш рад этилсин.

4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг яқунларини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун “HLB TASHKENT” МЧЖ ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини 599,0 млн. (ҚҚСсиз) сўм этиб белгилансин.

4.1. Келгусида “HLB TASHKENT” МЧЖ 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг яқунларини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун шартнома тузиш ва аудиторлик текширувини ўтказиш имконияти йўқолган тақдирда захирадаги “GRANT THORNTON” МЧЖ билан 607,0 млн. (ҚҚСсиз) сўмлик шартнома тузишга рухсат берилсин.

5. “O‘zagrolizing” АЖнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган барқарор корпоратив ривожланиш стратегияси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш Раиси,
Кузатув кенгаши аъзоси

Котиб

 М.Норгитов

 Б. Валиев

Баён тузилган сана: 2026 йил “ 5 ” февраль